

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ MD P-38
2016 йил



“Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМий - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва
ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2016 йил
26.11.2016 даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули:
с.ф.д., проф., И.Эргашев, ю.ф.н., доц., В.Топилдинев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
модули: п.ф.д., проф., Н.А.Муслимов, п.ф.н.,
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц., М.Усманбаева, И.Эшмаматов.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н. доц.,
Х.Холмедов, ф-м.ф.н. доц., Д.Иргашева, кат. ўқит.,
В.Хамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия
Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит., У.Гисова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”
модули: с.ф.д., проф., С.Жўраев, ф.ф.д., проф., Р.Самиров,
пс.ф.н., Х.М.Алимов.

Махсус фанлар бўйича: к.х.ф.д., проф. М.Х.Хамидов, т.ф.д.,
проф. М.Р. Бакиев, т.ф.н., доц. Т. Мажидов, т.ф.н., доц. А.
Янгиев, т.ф.н., доц. Н. Рахматов, п.ф.д., проф. З.К.Исманилова,
т.ф.н., доц. С.Мирзаев, т.ф.д. доц. А.Э.Юлдашев.

Хорижий эксперт: Синтия Бертаччи Уво, (Cintia Bertacchi
Uvo)

Такризчилар: Madhava Deprashiva, т.ф.н. доц. Р.Абдураулов.

Ўқув дастурлари Тошкент ирригация ва мелiorация институти
Кенгашининг қарори тасдиққа тавсия қилинган (201 йил) даги
... - сонли баённома)

Кирish

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июль 2015 йилдаги
“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”
ги ПФ-4732 фармонига мувофиқ тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари
педагог кадрларининг касбий тайёрлигини даражасини ривожлантириш, уларнинг
илгор педагогик тажрибаларини ўрганишлари ҳамда замонавий таълим
технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини
такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик
нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим
жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий
тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий
ва амалий тадқиқотлар, педагогик тараккиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг
замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва
креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан
ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўника ва малакаларини
шақллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог
кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг
тайёрлигини қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида
шақллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг
соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий
тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини
ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини
ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам
юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёниларини ташкил этиш
ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда олтимал
қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари
таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари
ҳамда долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус
фанлар доирасидаги билим, кўника, малака ҳамда компетенцияларига
қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модулар
мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва
таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёниларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда илгор хорижий
тажрибалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш
3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.
3.2. Умумқасбий ва ихтисослик фаълларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланишда тизимли тахлил.

VI. Махсус фаъллар.

6.1. Гидротехника иншоотлари.

6.2. Насос станциялари.

6.3. Қайта тикланувчи энергия манбалари.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларининг ўқув-тарбиявий жараёндарини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўлган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунгазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетенциялиги ва педагогик маҳоратининг доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар киряди:

-Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш" йўналишида педагог кадрларининг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

-замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг етиштириш таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетенциялик даражасини ошириш;

-педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштиришнинг таъминлаш.

-махсус фаъллар соҳасидан ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

-Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш" йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятини ташкил этиш.

Курс якушида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда

компетенциялиги қуйидагилар талаблар.

"Олий таълимнинг норматив асослари" Аxbороти, "Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат", "Таълим жараёнида ахборот-коммуникация

технологияларини қўллаш", "Амалий хорижий тил", "Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари" модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар, тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрларини ҳамда компетенцияга қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фаъллар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- умумқасбий ва ихтисослик фаълларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш қонуниятлари ва тамойилларини;

- умумқасбий ва ихтисослик фаълларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича метод ва воситаларни қўлланилишини;

- умумқасбий ва ихтисослик фаълларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитишда ахборот ва педагогик технологияларни ташкил этиши;

- мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув метёрий хужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштиришни ташкил этиш ва тайёрлаш методикасини;

- умумқасбий ва ихтисослик масалаларини ечилишда қўлланиладиган ахборот технологиялари ва амалий дастурларини;

- соҳа бўйича маълумотлар базалари ва замонавий компьютер дастурларини;

- гидротехника иншоотларини лойihalаштириш, қуриш ва фойдаланишда чет эл тажрибаларидан фойдаланишни;

- насос станцияларини эксплуатация ва реконструкция қилишдаги замонавий усул, технология ва жиҳозларни;

- гидротехник иншоотлар ва насос станциялари, ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларига ўрнатилган энергетик қурилмалар ёрдамида электр энергияси билан таъминлашни тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари бўйича назарий билимларини;

- ўзининг касбий фаолиятида тизимли тахлил ва қарор қабул қилишни амалда қўллай билишни керак.

Тингловчи:

- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойihalаш ва режалаштириш;

- умумқасбий ва ихтисослик фаълларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти) ни ташкил этиш ва бошқариш;

- таълим олувчиларнинг биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;

- интерфаол таълим технологияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш;

- умумқасбий ва ихтисослик фаълларини ўқитиш жараёнида компьютер дастурларидан самарали фойдалана олиш;

- ўқув жараёнида техник жиҳозлардан ва компьютер технологияларидан кенг фойдалана олиш;

- каналларда юз берадиган филтрация ва лойка чўкиш жараёндарига қарши курашиш;

- насос станцияларини эксплуатация қилишда ресурс тежамкор усуллардан фойдаланиш;
- қуёш энергияси ва ундан олинadиган энергиялардан фойдаланиш;
- тизимли тахлилнинг услубияти, услуб ва воситаларидан фойдаланиш, унинг мезон ва босқичларига амал қилган ҳолда, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ва ўз қарорини асослай олиш **қўنىкчаларини** эгаллаши.

Тингловчи:

- умумқасбий ва ихтисослик фанларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- умумқасбий ва ихтисослик фанларининг соҳа йўналишлари бўйича дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, машгулот ишланмаларини тайёрлаш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- инновацион таълим технологияларининг оқилона танлаб олиш;
- мутахассслик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- гидротехника иншоотларининг механик жиҳозлари ишончилигини таъминлаш;
- насос станцияларида таъмирлаш ишларини ташкил этиш;
- дунё мамлакатларида фойдаланиладиган қайта тикланувчи энергия манбаи хавидати маълумотларини биллафай ўрганиб бориш;
- ахборот-технологий хужжатларни баҳолаш, умумлаштириш асосида хулосалар бериш **малакаларини** эгаллаши.

Тингловчи:

- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
- инновацион таълим технологияларида асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва ижодий фаолиятга йўналтириш;
- гидротехника иншоотлари ишончилиги ва хавфсизлигини эксплуатация даврида таъминлаш;
- гидротехника иншоотларининг бузилиши, авария ҳолатларини тахлил қилиш ва таъмирлаш, қайта тиклаш ишларини ташкил қилиш;
- насос станциялари ва қурилмалари жиҳозларини монтаж ва эксплуатация қилиш;
- мураккаб муаммоларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланиш **компетенцияларини** эгаллаши лозим

Курс хажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилди.

«Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш» йўналишини бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари

Инсон онг ва тафаккурининг янгиладини жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт ширард максимиз”, “Юксак маънавият – энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз таракқиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларида бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларининг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилиги нормалари.

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сисъатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни ва унинг мазмун-моҳияти. Ёшларнинг ижтимоий ҳамада маънавий қамол топиши учун шарт-шароит яратиш беришда олий таълим муассасаларининг вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзбекистон таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзбекистон таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим

стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни таллов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйилган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёنларнинг кечиб босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Очик маъруза, амалий машғулотларни лойихалаштириш, ташкил этиш.

Шахта йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим оловчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий уйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳораг дарслари, вебинар технологиялари, ассимент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойихаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётта татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳораг асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқат услубларини тўри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маладияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари.

Креативлик - педагогик ижодкорлиқнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда илгор хорижий тажрибалар

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва методик ишлар. уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда лаборатория, амалий машғулотлар ва ўқув амалиётини ташкил этиш методикаси. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича лойихавий таълим технологиясини қўллаш. Кейс-стади технологиясидан умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳораг дарслари, вебинар, звристик методлар ва бошқалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоқининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоқида педагогларнинг талабаларининг электрон мулоқат муҳитида жамoa бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойихалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажёрлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентфикациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

3.2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари

Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланишнинг ахборот тизимлари. AutoCAD график муҳаррири. AutoCAD дастурида блоklar яратиш ва

тахрирлаш. Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларининг уч ўлчамли моделини яратиш ва уни тахрирлаш асослари. Анимация жараёни. Камера билан ишлаш.

Trimble лазерли сканер ёрдамида гидротехника иншоотларини моделлаштириш. Иншоотларинг уч ўлчамли моделларини яратиш ва уларни тахрирлаш. Насос станцияларидан самарали фойдаланишнинг ахборот тизимлари. Насос станцияларининг ишлаши бўйича ахборот мониторинг тизими ва маълумотлар базаси.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенси夫 усуллари

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқат мухити, мулоқат клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-V1-V2 ораллигида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўргатувчиларнинг роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тилни ўрганилётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқат компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапиролар).

Мулоқат мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оида ҳақида маълумот, бун вактни ўтказиш ва ҳокazo) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиб, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлидан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузилиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилини амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг эксперти ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланишда тизимли тахлил

Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш соҳасида тизимли тахлил асосларини фойдаланиш. Сув омборлари, селеувомборлари ва селхоналардан фойдаланишда тизимли тахлилини қўллаш. Грунт тўғонларда кузатиш ишларини олиб боришда тизимли тахлилининг афзалликлари. Каналлар ва улардаги иншоотлардан фойдаланиш. Каналларнинг эксплуатацион режимидаги аниқлашда тизимли тахлил ва қарор қабул қилишнинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг "Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги" тўғрисидаги қонун. Қонуннинг моҳияти ва мазмуни амалда қўллашда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш. Гидротехника иншоотларининг ишончилиги ва хавфсизлигини аниқлашда тизимли тахлил усуллари. Гидротехника иншоотлари хавфсизлик декларацияси ва кадастрини тузишда тизимли тахлил усулларидан фойдаланиш. Сув омборлари, дарёдан сув олиш ва каналлардаги иншоотларда авария юзга келиш сценарияларини моделлаштиришда тизимли тахлил усулияти. Грунт тўғонларда филтрацияни кузатиш ишларида тизимли тахлилининг амалий усулларидан фойдаланиш. Сув омборларида лойка ўтиришига қарши талбирлар ва тозалаш усулларини белгилашда қарор қабул қилиш. Гидротехника иншоотларининг механик жиҳозлари ишончилигини таъминлашда қарор қабул қилиш.

Вазирлик "Насос станциялари, энергетик ва алоқа" (НСЭ ва А) бошқармаси - вилоятлар НСЭ ва А бошқармалари - насос станциялари орасида тизимли тахлилини қўллаш. Насос станциясини: ишга туширишга тайёрлаш - ишга тушириш - эксплуатация қилиш - насос станцияси ишлаб турган вақтда унинг характеристикаларини ўлчаш ва майда таъмирлаш ишларини бажариш-насос станциясини тўқатиш жараёни орасидаги тизимли тахлилини қўллаш. Насос агрегати тўқатиш-демонтаж қилиш (кисмларга ажратиш) - дефектли қисмларни алмаштириш-монтаж қилиш-синовдан ўқазини-ишга тушириш жараёни орасидаги тизимли тахлилини қўллаш. Насос агрегати тўқатиш-агрегати капитал таъмирлашга тайёрлаш-капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш-баъзи қисмларни таъмирлаш ва баъзи қисмларини янчисига алмаштириш-таъмирлаш ишларини тўқатиш -насосни монтаж қилиш -ишлаб чиқариш синовидан ўтказиш-эксплуатация қилишга қабул қилиш жараёни орасидаги тизимли тахлилини қўллаш. Реконструкция қилинадиган насос станциясининг реконструкцияга оид техник-иктисодий асослаш хужжати тайёрлаш-насос станциясини тўқатиш -насос станциясининг техник-иктисодий асослаш хужжати асосан унинг гидротехник иншоотлари, асосий гидромеханик ва гидроэнергетик жиҳозлари ва ёрдамчи жиҳозларини реконструкция қилиш-реконструкция ишлари тўтагидан суиш ишлаб чиқариш еиновларини ўтказиш -насос станциясини қабул қилиш жараёни орасидаги тизимли тахлилини қўллаш.

VI. Махсус фаиллар

6.1. Гидротехника иншоотлари

Гидротехника иншоотларининг Республикада сув хўжалигининг ривожланишидаги аҳамияти. Долзарб муаммолар. Гидротехника иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш муаммолари. Сув омборларини қуриш масаллари. Гидротехника иншоотларини лойihalаштириш, қуриш ва фойдаланишда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш. Гидротехника иншоотлари экшулатацияси. Экшулатация хизматининг тузилиши, таркиби ва вазифалари. Сув омборлари, сел сув

омборлари ва селхоналардан фойдаланиш ва олиб бориладиган кузатишлар таркиби ва кетма-кетлиги. Грунт тўғонларида кузатиш ишлари. Қўз ва асобот ускуналар ёрдамида кузатувлар. Тўғонларда экологатация дарида ишлатиладиган назорат - ўлчов асбоблари: автомагнлаштирилган датчиклар, сляжшш ва деформацияларни аниқлайдиган электрон датчиклар. Назорат-ўлчов асбобларини автомагнлаштириш принциплари.

Гьезометрлар, репер ва маркаларни конструкциялари, жойлашуви ва вазибалари.

Каналлар ва улардаги ишоотлардан фойдаланиш. Каналларнинг экологатацион режими. Каналларда юз берадиган филтрация ва лойка чўкиш жараёнлари ва уларга қарши чора-тадбирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Гидротехника ишоотлари хавфсизлиги" тўғрисидаги Қонуннинг моҳияти ва мазмуни.

Гидротехника ишоотларининг ишончилиги ва хавфсизлиги тўғрисида умумий маълумотлар. Ўзбекистон Республикасида гидротехника ишоотлари хавфсизлиги тўғрисидаги норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар. Гидротехника ишоотлари хавфсизлиги таъминлаш учун қўйиладиган асосий талаблар. Гидротехника ишоотлари хавфсизлигини таъминлашда экологатация ва назорат қилишда давлат ташкилотларининг ўрни. Гидротехника ишоотлари хавфсизлик Декларацияси ва қадастри. Гидротехника ишоотларини хавфсизлигини баҳолашнинг мониторинг тизими. Олиб бориладиган ишлар таркиби. Мониторингни олиб боришда автомагнлаштирилган тизимдан фойдаланиш. Мониторингдан олинган натижалар тўғрисида умумий маълумотлар. Сув омборларини тўлдириш ва бўшатиш бўйича талаблар. Хар хил гидроусулларда авария юзага келиш сценарияларини моделлаштириш. Сув омборлари, дарёдан сув олиш ва каналлардаги ишоотларда авария юзага келиш сценарияларини моделлаштириш. Гидротехника ишоотлари ишончилиги ва хавфсизлигини экологатация дарида таъминлаш.

Грунт тўғонларда филтрацияни кузатиш ишлари. Сув омборларини тўлдириш ва бўшатиш бўйича талаблар. Сув омборларида лойка ўтиришига қарши тадбирлар ва тозалаш усуллари. Гидротехника ишоотларининг механик жиҳозлари ишончилигини таъминлаш.

6.2. Насос станциялари

Кириш. Машинали сўғоришда насос станцияларининг аҳамияти. Республикамыздаги ирригацион насос станциялари тўғрисидаги умумий маълумотлар. Насос станцияларидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш жараёнлари. Насос станцияларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техник ривожланишнинг асосий йўналишлари. Насос станцияларини ишлатиш усуллари ва жараёнлари. Насос станциянинг асосий гидромеханик ва ёрдамчи жиҳозларини экологатация қилиш. Экиллари сув истеъмол қилиш ва насос станцияларнинг сув узатиш режаси. Насос станцияларини экологатация қилишда ресурс тежамкор усуллардан фойдаланиш. Насос станцияларида таъмирлаш ишларини ташкил этиш. Таъмирлаш турлари. Насос станциясини реконструкция қилиш ва уни техник-иктисодий асослаш. Бинолар ва ишоотлар ҳамда механик, гидромеханик ва гидроэнергетик ҳамда ёрдамчи жиҳозлар ва ишоотларни реконструкция қилиш. Машинали сув кўтариш гидротехник узелларининг ишооти ва жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда реконструкция ишларини амалга ошириш ва насос станцияларини реконструкциядан сўнг ишга туштириш.

6.3. Қайта тикланувчи энергия манбалари

Дунё мамлакатларида фойдаланилаётган муқобил-қайта тикланувчи ҳамда ноанъанавий энергия манбалари турлари: сув, қуёш, шамол, геотермал сувлар, геизерлар, тўлкинлар, сув сатҳининг кўтарилиб тушиши, вулкон, чакмоқ, океан ва денгизлардаги хар хил оқимлар, биомасса, водород ёқилгиси, шахар чикиндилари, фотосинтез, фотоэлектрик ўзгартирувчилар, кимёвий (гальваник) элементлар ҳамда бошқалар. Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбалари: кишлоқ ҳўжалик экинларини сўғориш учун ирригация тармоқларидаги сув энегияси, қуёш ва шамол энегияси. Кичик ва ўрта ГЭСлар. Микрогидроэнергетика. Қуёш энегияси ва ундан олинладиган энергия турлари. Қуёш энетрокурулмалари. Шамол энегияси ва ундан олинладиган энергия турлари. Шамол энетрокурулмалари. Гидротехник ишоотларни ҳамда насос станциялари ва қурилмаларини экологатация қилишда, қайта тикланувчи энергия манбаларига ўрнатиладиган энетрогетик қурилмалар ёрдамида ишлаб чқикиладиган электр энетрогиясидан фойдаланиш

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий тахлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чқиккан ҳолда, олий таълим муассасаларининг тегишли профили кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги иждодий топириклар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятчи масалалар асосида амалий ишларни бажаралдилар.

Амалий машулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий алабётлардан, электрон ресурслардан, таркатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чқикилган топириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар биттирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Биттирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида хар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модуллариининг тақдимотиини тайёрлайди.

Электрон ўқув модуллариининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанини ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшмача материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модуллариини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

-тавсия қилинган алабётларни ўрганиш ва тахлил этиш;

-соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
-умумқасбий ва ихтисослик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор
хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти
натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон
портфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти.

Модуллари ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар,
тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа
маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Алабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард
мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
2. И.А.Каримов. Ваган равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.:
Ўзбекистон, 2001 й.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008 й. –
176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш оstonасида. – Т.:
“Ўзбекистон”, 2011 й. – 440 б.

5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат
қилиш – энг олий саноатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим -тарбия ва кадрлар
тайёрлаш тизimini тубдан ислоҳ қилиш, барқамол авлодни вояга етказиш
тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуқсиз таълим
tizimini учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуқсиз таълим
tizimini дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш
тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг
давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 -
сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлиари
талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17
августдаги 344 - сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги
“Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги
Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим
муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги
Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-
февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш
tizimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим
муассасалари талабалари ўқиниши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш
тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июлдаги 118-сонли
Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг
бигирувчиларини тadbirkorлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-
таdbirlар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг
моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш
сифатини тубдан яхшилаш чора-таdbirlари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-
сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва
илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизimini янада
такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26
сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-
таdbirlари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўридошлик асосида
ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил
18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлидан
кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш
аттестациядан ўтказиш тизimini такомиллаштириш чора таdbirlари тўғрисида”ги
2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29
декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизimini
жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги
Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини
тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги
“Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги “Олий
таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-таdbirlари тўғрисида”
ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги
“Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш тизimini ташкил этиш чора таdbirlари тўғрисида”ги 242-сонли
Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» ги 3-сон Қарори.

Ш. Махус адабиётлар.

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.: 2000 й. – 218 б.
3. DUE-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
4. Michael McCarthy "English Vocabulary in use" Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
5. Исмаилов А.А. Жалалов Ж.Ж, Саггаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий қурейдан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011 й. – 182 б.
6. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: "Истеъод" жамғармаси, 2008 й. – 180 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: "Истеъод" жамғармаси, 2009 й. – 160 б.
8. Саггаров Э.А. Лимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: Академия, 2003 й. – 70 б.
9. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006 й. – 230 б.
10. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: "Академия", 2011 й. – 154 б.
11. P.Novak, A.I.B.Moffat, C.Nalluri, R.Narayanan Hydraulic Structures, 4th edition CRC Press United States, 2007
12. Pierre Y. Julien Piver Vechanics Cambridge University Press ISBN 0-521-56284-8 UK, 2002
11. Бақиев М.Р., Кавешников Н., Туреунов Т. "Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш" Тошкент-2011 йил
12. Мамажонов М., Уралов Б., Ҳақимов А., Мажидов Т. Насос ва насос станцияларидан амалий машғулотлар. Ўқув қўлланма. Андижон-2005 й. 272 б.
13. Мамажонов М.Ф., Муҳамедов М., Уралов Б.Р., Мажидов Т. III "Сўғоришни механизациялаш, насос ва насос станциялари" қасб-хулар коллежлари учун ўқув қўлланма. Тошкент-2007 йил Matajonov M., F. Muxamedov M-бет
14. Муҳаммадиев М., Уралов Б., Мамажонов М., Муҳамедов А., Мажидов Т., Низамов О., Бадалов А. "Гидромашиналар" ўқув қўлланма. Тошкент-2009 йил 193 б.
15. Мамажонов М., Уралов Б.Р., Ҳақимов А., Мажидов Т., Кан Е. "Насос ва насос станциялари" ўқув қўлланма Тошкент 2010 йил. 241 бет
16. Уралов Б.Р. ва бошқалар. "Насос, насос станциялари ва сўғоришни механизациялаш" Тошкент, Иқтисод-Молия, 2010 йил. 248 бет
17. Муҳаммадиев М., Уралов Б.Р., Мамажонов М., Мажидов Т., Низамов О., Бадалов А.С., Кан Е. "Гидромашиналар" ўқув қўлланма. Тошкент-2011 йил. 194 бет
18. Мамажонов М. "Насослар ва насос станциялари". Дарслик. - Тошкент, 2012 й. -372 б.

19. Бадалов А.С., Уралов Б.Р., Кан Э. "Қудукли насос қурилмалари". Ўқув қўлланма. - Тошкент, 2013 й. – 121 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мағбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли лугати, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz; www.glossary.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
7. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
8. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
9. www.ziyounet.uz
10. www.cottonginning.com
11. www.TIMI.uz
12. www.pedagog.uz
13. http://www.eindex.ru/news2010/08/02/the_first_wind_power_plant_is_built_in_uzbekistan

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрлари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг таъқиқил этиш Бош йиллий-методик маркази

Директор У.Н. Бегимкулов

“ _____ й. 201_____

М.У.



Тошкент ирригация мелiorация институти хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок маркази

Директор А. Бердичев

“ _____ й. 201_____

М.У.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикасидаги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўқувчилари ва малака ошириш бўлими

Бўлим бошлиғи Жониккулов

“ _____ й. 201_____

М.У.

